

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

Инглиз филологияси кафедраси

ОЧИЛОВА НИГОРА

”Инглиз ва ўзбек тилларида нутқ феълларининг ифодаланиши”

5220100 - инглиз (француз, немис, рус)

МАГ дисс

Мутахассис чиқарувчи

кафедра:

Инглиз филологияси

Илмий рахбар:

доц. М.С.Қаюмова

Бухоро - 2015

Кириш

БОБ I. Инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг структур- грамматик хусусиятлари

1.1. Нутқ феъллари тарихидан

1.2. Ўзбек тилида нутқ феълларининг лексик, грамматик хусусиятлари.....

1.3. Инглиз тилида нутқ феълларининг хусусиятлари.....

1.4. Инглиз тилида нутқ феълларининг классификацияси.....

Боб II. Инглиз ва ўзбек тилларида нутқ феълларининг лексик, грамматик ва типологик хусусиятлари («The Gadfly» романи асосида).

2.1. Этиль Лилиан Войнич ижоди ва «Сўна» романи ёзилиши тарихидан.....

2.2. Инглиз тили структурасидаги нутқ феълларининг ўзбек тилида берилиши усуллари.....

Боб III. Инглиз ва ўзбек тилларида нутқ феълларининг ўхшаш ва фарқли хусусиятлари.

3.1. Л.Войнич асарлари «Сўна» ва «The Gadfly» да учрайдиган нутқ феълларини лексик-грамматик жиҳатдан таҳлили.....

3.2. Нутқ феълларининг ифодаланишида инглиз ва ўзбек тилларидаги ўхшаш ва фарқли томонлари.....

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилиги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалар билан бир қаторда фан ва таълим соҳасида ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳаётдаги барча тармоқлар сингари фан ва таълим тармоғи ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб саналади.

Фан тизимида мавжуд бўлган барча йўналишлар сингари тилшунослик соҳаси ҳам ҳозирги даврда ривожланиб бормоқда.

Инглиз ва ўбек тилларнинг қиёсий типологияси эса бизда ҳам мазкур тилларни ҳар томонлама чуқур мукамал билишимизни талаб қилади.

Инсон фикрини тил воситасида ифодалашнинг ўзига хос қонунлари биор. Бу қонунлар барча ва айрим тилларга хос бўлиши мумкин. Лингвистик изоморфизм ва лингвистик алломорфизм хусусиятларини генетик муносабатлардан ажратиб ўрганиш ифода режасидаги системаси ўлчов бирлигининг тиллараро адекватлиги ва адекват эмаслиги, бир тил системасида эса уларнинг яруслараро синонимлиги, уларнинг таксономиями (ўхшашлиги) масалалари қиёсий типологиянинг тадқиқот объектларидир. Фан ва техниканинг турли тармоқлари ривожланиб бориш, информацияни автоматик қайта ишлаш ва идрок этиш, машинадан, электрон техникадан фойдаланиш натижасида тилшунослик фанининг янгидан янги тармоқлар юзага кела бошлади. Шу муносабат билан лингвистик тадқиқот доираси жуда кенгайди ва илгари маълум бўлмаган бир қанча янги методлар пайдо бўлди. Турли хил системаларни ўрганишда тилшунослар ҳамма тилларга ва ҳар қайси айрим тилнинг ўзига хос белгиларини группаларга ажрата бошладилар. Бу белгиларни таққослашда универсал усулга эҳтиёж сезилди.

Бу универсал усул яратилди ва тил **универсалияси** деб аталди.

Тил универсалияси структурал лингвистиканинг практик маҳсули сифатида юзага келади. Барча тил системалар учун муштарак бўлган белгиларни ифодалашдаги мувофиқлик ва номувофиқликни ўрганувчи бу усул қиёсий типология фанига таалуқлидир.

Қиёсий грамматика қиёсий типологиянинг бир тармоғи бўлиб, у грамматик босқич ва таққослаш йўли билан грамматик система бирликларининг мослашув қонуниятларини яратади;

Мазмун ва ифода режалари бирликларининг тиллараро алоқасини ўрганади.¹

Тиллар илгари ҳам бир-бирига солиштириб ўрганилган, аммо бу таққослашда уларнинг фақат тарихий қардошлик томонигагина эътибор берилган. Узоқ даврлар маҳсули бўлиш қиёсий грамматика XIX асрда жуда ривожланди. Бироқ у вақтда тилларнинг фақат генетик қардошлик муносабатларнигина таққослаш асосий ўрин тутар эди.

Типологик қиёслаш эса ишларнинг фақат генетик умумийлиги билан боғлиқ бўлмаганлиги сабабли кўпгина тиллар тўғрисида талай аниқ маълумотлар тўплаш² XX аср тилшуносликнинг энг муҳим муаммоларидан бирига айланиб қолди.

Аммо қиёсий типологик метод тасодифан пайдо бўлган эмас. Тилшунослик фанининг бир тармоғи бўлими қиёсий типологиянинг вужудга келиши ва ривожланишнинг ўзига хос тарихи бор. Турли қардош ва қардош бўлмаган тиллардаги айрим хусусиятларни фонологик грамматик, семантик, этимологик ва стилистика нуқтаи назардан солиштиришни гарчи қисман ва

¹ Бўронов Ж. «Инглиз ва ўзбек тилларнинг қиёсий грамматикаси» 7 бет. Тошкент 1973.

² Чирикба. «Аспекты фонологического типологии» Баку 1964 г., 18 бет.

тарқоқ шаклда бўсада, бир неча даврларни ўз ичига олувчи тиллар назариясига доир асарларда учратамиз.

Қиёсий типологик грамматиканинг ривожланиш тарихи тилларнинг грамматик системаси ҳақидаги таълимотининг ривожланиш тарихи ва айрим грамматик категорияларнинг урганилиши тарихи билан боғлиқдир.

Турли қардош ва қардош бўлмаган тил системаларини бир бири билан таққослаб ўрганиш янги йилларда жуда кенг авж олмоқда, таққослаш иши минимал (икки) тилни ва максимал (кўп) тилларни бир бирига солиштириш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбек тили системасини бошқа тиллар системаси билан қиёслаб ёзилган бир мунча асарлар ҳам бор.

Инглиз ва ўзбек тиллари грамматикасини таққослаб ўрганиш яқиндагина бошланган бўлиб, ҳозирги пайтда бу икки тил системасини муфассал таққослаш учун мавжуд материал мавжуд эмас.

Шу сабабли, иккиала тил системасининг универсал таксономиясини яратиш учун аввал иш методнинг маълум мезонини яратиш, грамматик ярус ўлчов бирликларини танлаб, грамматик категорияларини ифодалашда улардан фойдаланиш йўллари ўрганиш ва уларни типологик таққослашга татбиқ қилишни билиб олиш шарт. Тилларни қиёсий йўл билан ўрганиш яъни қиёсий типологик метод ҳозирги вақтда ўзбек тилшунослигининг ўз олдига қўйган энг муҳим вазифаларидан биридир.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий ва Махсус ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тузилган янги ўқув режасида, чет тиллар назарий грамматикасидан ташқари, чет тиллар билан она тилининг қиёсий типологик грамматикаси предметини

ўрганиш учун ҳам махсус соатлар ажратилган [1, 27]. Бунинг асосий сабаби, қиёсий [2, 15] типологиясининг ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга эканлигидадир.

Қиёсий типологиянинг назарий аҳамияти тилларнинг умумий назариясини яратиш, тиллар структурасининг турли ярус birlikлари умумий қонуниятини аниқлаш тил системаларидан изоморфлик (бир хиллик) ва алломорфлик (турли-туманлик) белгиларини ва тилларнинг типологик қардошлигини аниқлашдан иборат бўлса, унинг амалий қиймати асосан ўқитиш жараёнини шакллантириш, тил ўрганиш методини ва тил системасини тасвирлашни осонлаштириш, илмий информация яратиш, бадий, практик ва автоматик таржима учун замин яратиш ва бошқалардан иборатдир. Шундай қилиб, турли тил системаларини таққослашда тиллар системаларини умумлаштириш ва қиёслаш кўзда тутилади.

Республикамиз олий ўқув юртлари студентлари чет-тили билан она тилини қиёсий ўрганиш юзасидан махсус таълим олаётган бўлсалар, ҳам, лекин бу предметга оид конкрет ўқув қўлланмаси ёки методик адабиётлар ҳам бизда яратилганича йўқ.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, инглиз ва ўзбек тиллардаги нутқ феълларининг пайдо бўлиши, келиб чиқиши тарихи, феълларнинг замонларда тусланиши, феълларнинг ўзгариши, гапдаги маъноларга кўра турлича таржима қилиниши, уларни бадий тилда таржима қилиб билиш усуллари ҳамда инглиз ва ўзбек тилларда нутқ феълларнинг ўхшашлик ва фарқли томонларини Войничнинг «Сўна» асаридан келтирилган мисоллар асосида қиёсий типологик жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат.

1. Азизов О. «Тилшуносликка кириш» Тошкент 1986, Бет 27.

2. Бўронов Ж. «Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси» Тошкент 1978, 15 бет.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Мазкур магистрлик диссертацияси мавзусини танлашдан мақсад, инглиз тилида мавжуд бўлган нутқ феълларининг ўзбек тилига берилишини аниқлашдан иборат.

Бундан ташқари, талабаларга инглиз тилини ўргатганда нутқ феълларини тушунтириш жараёнида талабаларнинг она тилидаги мазкур феълларнинг қандай таржимада берилишини тушунтиришдан иборат.

Ва шу орқали, инглиз тилини ўрганаётган талабаларга нутқ феълларини тушунтирганда мазкур магистрлик диссертациясида олиб борилган таҳлил асосида келиб чиққан хулосалардан фойдаланишга инглиз тили ўқитувчилари учун таҳлил этилаётган чет тилларни ўрганиш, ишни яхшилаш мақсадида имконият яратиш.

Шу жумладан, талабаларни қиёсий типологик грамматиканинг асосий принциплари билан таништириш, уларга қиёсий грамматиканинг икки тилни таққослашдаги йўллари кўрсатиб беришдир.

Мазкур магистрлик диссертациясининг энг асосий мақсадларидан бири, инглиз ва узбек тилларида нутқ феълларининг лексик, грамматик ва типологик хусусиятлари Этель Лилилан Войничнинг «Сўна» асарида учраган мисоллар асосида таҳлил қилишдан иборат.

Ҳамда нутқ феълларининг таржималарда келишини талабаларга кўрсатиш ва шу орқали таржимонларнинг тил жозибдорлигини қанчалик сақлай олганларини кўрсатиб беришдир.

Магистрлик диссертациясининг вазифаси.

1. Феъл сўз туркуми, нутқ феъллари ва уларнинг лексик, грамматик ва типологик хусусиятларини Этиль Лилилан Войничнинг «Сўна» асари асосида таҳлил қилиш.

2. Инглиз ва ўзбек тилларидаги мавжуд бўлган ўтган замон формаларидан нутқ феълларини қиёсий типологик жиҳатдан таҳлил қилиш.

3. Инглиз тилидаги нутқ феълларининг ўзбек тилида берилиши усуллари асосида анализ қилиш.

4. Таржима санъатида энг муҳим ўрин тутган сўз ўйинларини таҳлиллар асосида кўрсатиб бориш.

5. Нутқ феълларини гапда тутган ўринлари ҳамда ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш.

Магистрлик диссертациясининг назарий аҳамияти, шундаки, мавзуга асос қилиб олинган инглиз ва ўзбек тилларида нутқ феълларининг тилда муҳим аҳамиятга эга эканлиги сабабли, уларни ижобий ёхуд салбий маъноларда қўлланилишини яққол равшан кўрсатилди. Асарда учраган нутқ феълларининг қай йўл билан ифодаланганлиги назарий жиҳатдан исботланди.

Ушбу мавзу кўпгина буюк тилшунослар томонидан маълум даражада ўрганилиб келинган ва бу ҳозиргача давом этмоқда. Мазкур магистрлик диссертациясида шу тилшуносларнинг фикрлари ва анализ қилиш жараёнидан сўнг келиб чиққан хулосалари кўрсатилиб, улар атрофлича ёритилиб борилди.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти. Олий ўқув юртларидаги тил факультетларига оид дарсликларда қиёсий типологик таҳлил ўрганилади, асосан қиёсий грамматика, тил тарихи, матн таҳлил, таржима назарияси ва амалиёти дарсликларида фойдаланиш мумкин.

Бу материаллар талабларига ҳар икала адабиётда учрайдиган нутқ феълларини қиёсий типологик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш билан бирга уларнинг лексик, грамматик маънолари урганишда асосий манба ҳисобланади ва уларда учрайдиган ўхшаш ва фарқни томонларини яхшироқ англаб олишга ёрдам беради.

Магистрлик диссертациясининг янгилиги. Инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқ феълларининг Этель Лилилан Войничнинг «Сўна» асарида келтирилган мисоллар асосида лексик, грамматик ва қиёсий типологик жиҳатдан таққослаш ҳамда таҳлил қилишдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши. Магистрлик диссертацияси, кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

БОБ I

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА НУТҚ ФЕЪЛЛАРИ

1.1. Нутқ феъллари тарихидан

Тил грамматикаси грамматик воситалар йиғиндисидан иборат бўлиб, бу воситалар ёрдамида ушбу тилда сўзлар сўз бирикмалари ва гаплар ҳосил қилинади ва тузилади. Бирон тилда гапириш, нутқини тинглаб, тушуниш, ўқиш ҳамда ёзиш учун ана шу тилнинг грамматик қурилишини эгалламоқ лозим. Бунга махсус тузилган ўқув машқлари ҳамда ўрганилаётган тилдаги муомала – сўзлашув, ўқиш ва ёзув жараёнида эгаллаган билимлар ёрдамида эриши мумкин.

Тилнинг грамматик воситалардан уларни онгли равишда ўзлаштирмай ҳам фойдаланиш мумкин. Грамматика тил системаси учун асосий модел яратади. Бу моделлар тилнинг грамматик моделлари ҳисобланиб, у ўз навбатида морфологик ва синтактик моделларга бўлинади.[1, 5]

Морфологик модел сўз парадигмаси сўз формалари ва сўз формаларининг вертикал ўзгаришда ўз ифодасини топади.

Синтактик модел эса сўзларнинг ўзаро бирикиб конструкциялар ҳосил қилиш билан характерланади.

XXI аср тилшунослик фанидаги кескин бурилиш нимадан иборат? Бу тилга тизим сифатида ёндашиш ҳамда тил ва нутқ ходисаларини фарқлашдан иборатдир. Назарийчи тилшуносларнинг ушбу саволга шундай жавоб беришлари айни ҳақиқат.

1. Нейматов Ҳ., Расулов Р. «Ўзбек тили систем лексикологияси асослари». Тошкент 1996. Бет 5.

Биобарин, тил ва нутқ ходисаларни фарқлаш тилга тизим сифатида ёндошиш, тилни тизим қонуниятлари асосида ўрганиш тилшуносликда катта бурилиш ясади ва тилшунослик фанининг ривожига жиддий туртки бўди. Бу ҳақида қатор асарлар ёзилиб, турли туман диссертация ишлари олиб борилган. [1]

Хўш, грамматика нима? Грамматика тилшуносликнинг таркибий қисми бўлиб, у тилшуносликнинг бошқа соҳалари билан алоқаси кўп қиррали ва мураккабдир.

Грамматиканинг тақдири умумий тилшуносликнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ.

Грамматика термини тилшуносликнинг майдонида 2 маънода қўлланади. Грамматика дейилганда, биринчидан, тилнинг грамматик қурилиши тушунилса, иккинчидан тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги фан тушунилади

Иккинчи маънода грамматика сўзларнинг маълум туркумларига бўлиниши, улар ҳар бирига хос формалар, нутқининг грамматик структураси ҳақидаги фандир.

Грамматика икки қисмдан иборат: морфология ва синтаксис.

Морфологияда сўз туркумлари, уларнинг категориал ва нокатегориал формалари ўрганилади.

Синтаксис нутқининг грамматик тузилиши ҳақидаги таълим бўлиб, сўз бирикмаси, гап ва ундан йирик бўлган бирликларни ўз ичига олади.

Тилнинг грамматик қурилиши турли томондан ўрганилади. Шунга кўра грамматиканинг бир неча турлари мавжуд. Буларнинг энг асосийси қуйидагилар:

1.У.Ҳошимов «Инглиз тили грамматикасининг норматив курси» 4 бет. Тошкент 1896; А.Содиқов ва бошқ. «Тилшуносликка кириш» 135 бет. Тошкент 1981 й.

1. Тарихий грамматика. Бу бирон бир тилнинг грамматик қурилишида рўй берган ўзгаришлар тараққиётини ўрганади. Масалан, инглиз тилини тарихий грамматикаси, ўзбек тилини тарихий грамматикаси ва бошқалар тилнинг грамматик қурилишида рўй берган ўзгаришлар тараққиётини ўрганади. Масалан, инглиз тилининг тарихий грамматикаси, ўзбек тилини тарихий грамматикаси ва бошқалар [1, 137]

2. Фалсафий грамматика. Маълумки, тишнуослик фани билан чамбарчас боғлиқдир. Грамматик категориялари логик категориялар билан узвий алоқадордир. Логика билан грамматиканинг объектлари фикр ват ил ҳам ўзаро узвий боғлиқ. Фалсафий грамматикага машхур даниялик инглизшунос олим Отто Есперсеннинг «Тил фалсафаси» асари мисол бўла олади.

3. Умумий грамматика. Бу тилнинг қайси тил оиласига мансуб эканлигидан қатъий назар ҳамма тилларга хос бўлган умумий хусусият ва қонуниятларини белгилайди.

4. Қиёсий грамматика. Тилнинг грамматика системасини бир бири билан таққослаб, қиёслаб, уларга хос бўлган умумий ва хусусий белгиларни ўрганади.

Масалан, инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси ва хоказо. Қиёсий грамматика ўз навбатида қиёсий тарихий ва типологик қиёсий грамматикаларга бўлинади.

Қиёсий типологик грамматика қардош тилларнинг грамматик қурилишини тарихий қиёсий метод ёрдамида таққослаб, ўтилишида бир неча тиллар учун умумий бўлган лингвистик элементларни, улар ўртасида ўхшашлик ва фарқли томонларини аниқлашди.

Қиёсий типологик грамматиканинг йирик намоёндаси Расмус Раск, Якоб Гримм ва Ф.Бопп ва бошқалар.

Типологик қиёсий грамматика турли системага мансуб бўлган тилларнинг грамматик категориялари ва грамматик маъноларини ифодалайдиган воситаларни таққослаб, уларни умумий ва ўзига хос томонларини қиёсий грамматика маълумотлари тилларни классификация қилишда муҳим аҳамият кашф этади.

5. Дескриптив грамматика бирор конкрет тил грамматикасининг қурилишини ҳозирги ҳолатини ўрганади. Дескриптив грамматик тилнинг структурасини анализ қилиш жараёнида маъно эътиборга олинмайди.

Сўзнинг лексик ва грамматик маъноси.

Лексик маъно ташқи дунёдаги бирор воқеа ҳодиса ёки нарса билан боғлиқ бўлади.

Улар одатда индивидуал маъно ҳисобланади: бир маъно бир сўз билан боғланган бўлади. Грамматик маъно лексик маънодан тубдан фарқ қилади.

Грамматик маъно лексик маънога ўхшаб ташқи дунёдаги нарса ва воқеаларни акс эттирмайди ва индивидуал хусусиятга ҳам эга бўлмайди. Улар умумий маънолардир [1, 23].

Лексик ва грамматик маънолар ўз хусусиятларига кўра бир биридан фарқ қилса ҳам, нутқда бир бири билан узвий боғланган [2, 137].

Грамматик маъно лексик маънога қўшимча равишда намоён бўлади ва турли грамматик мунсоабатларни ифодалайди: бир сўзни иккинчи сўзга бўлган муносабатни, сўзни шахсга, сонга,

1. Ж.Б.Бўронов «Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси» 23 бет. Тошкент 1973.

2. А.Содиқов. «Тилшуносликка кириш» Тошкент 1981. 137 бет.

замонга ва ҳоказоларга бўлган алоқасини кўрсатади. Масалан, уй, нон, китоб, тулки, нейтрон сўзларнинг маънолари ҳар хил: остита сўз олтига хил лексик маъно англатади, лекин уларнинг грамматик маънолари бир хил: улар ҳаммаси предметлик тушунчасини ифода этиб бирилк ва бош келишик формасида.

Агар уларга – **дан** қўшимчаси қўшилса, (уйдан, нондан, китобдан, тулкидан, нейтрондан) улар бирлик ва чиқиш келишиги маъноларини англатади. Демак, сўзнинг грамматик ўзгариши унинг лексик маъносига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Грамматик маъно грамматик категориялар билан боғлиқдир.


Одатда, лексик маъно, конкрет, реал: грамматик маъно абстракт, формал бўлади [1, 25].

Агар лексик маъно атроф-теварақдаги маълум нарса предмет ва ҳодисаларни англатса, грамматик маъно анна шу предмет ва ҳодисалар орасидаги муносабатни ифодалайди, уларни умумлаштиради, гуруҳларга, туркумларга ажратади. Ташқи дунёдаги предмет ва ҳодисаларнинг бошқа предмет ва ҳодисалар билан алоқага кириши тилда лексик ва грамматик воситалар орқали ифодаланади [2, 144].

Феъл замонлари ҳам грамматик маъно ифодалайди, лекин бу замонлар фақат нутқдаги, тестдаги сўзларнинг қайси замонга оид эканини кўрсатиш билан чегараланмай балки ташқи дунёда содир бўладиган воқеа ҳодисаларнинг қачон бўлиб ўтганлигини яъни айнан гаприлаётган вақтда ёки гапирилаётган вақтдан олдин ёки кейин содир бўлаётганини ифодалаш учун хизмат қилади.

1. Бўронов Ж. «Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёслаш грамматикаси» 25 бет. Тошкент 1978.

2. А.Содиқов. «Тилшуносликка кириш» Тошкент 1981. 144 бет.



Грамматик маъно ифода этувчи воситалар

I. Аффиксация. Грамматик маъно анлатувчи аффиксациялар икки турга ажратилади: форма ясовчи аффиксал грамматик морфема, сўз ўзгартирувчи грамматик аффиксил морфемалар.

II. Интонация. Интонация ўз ичига мелодика билан урғуни олади. Бу воситалар ҳам тилда грамматик маъно ифодалаш учун хизмат қилади.

Лекин мелодика билан урғу роли ҳамма тилда бир хил эмас: баъзи тилларда мелодика грамматик маъно ифодалаш учун хизмат қилади.

Лекин мелодика билан тилда ҳам унча катта аҳамиятга эга эмас.

III. Мелодики. Мелодика деганда баландлигини кўтариш тушунилади. У асосан Хитой ва Тибет тилларида катта аҳамиятга эга.

IV. Урғу. Урғу грамматик маъно англатиш функцияси унинг эркин ёхуд турғун эканлиги билан узвий боғлиқдир.

Сўзнинг англлатган маъносига қараб, урғунинг бир бўғиндан иккинчи бўғинга кўчиши урғу эркин тилларда содир бўлади[1,87].

Масалан: Present – от	increase – от
Present – феъл	increase – феъл
Export – от	import – импорт (от)
Export – феъл	import – феъл

V. Такрор бирор грамматик маънони ифодалаш учун бир сўзни икки марта такрорлаш бўлиб бу лингвистикада редупликация деб юритилади.

VI. Ички флекция. Ички флекция турли грамматик маъноларни ифодалаш учун сўз таркибидаги товушларнинг ўзгаришидир. Инглиз ва немис литидаги феъл аزمون маъноси шу восита билан ифодаланади.

Ҳозирги замон	Ўтган замон
Begin	Began
Find	Found
Bring	Brought
Schreiben	Schrieb
Jahren	Juhr

VII. Грамматик маъно англатишнинг яна бир воситаси сўз тартибидир. Сўзларнинг гапда маълум тартибда олдинма кетин жойлаштирилиши ҳам грамматик маъно ифодалаш учун хизмат

1.Аъламова Х. «Нутқда акс этар бир олам бойлик» Тошкент 1990. 87 бет.

қилди [1,89; 2,148; 3, 104].

1. The ball hit the boy – Копток болани йиқитди
2. The boy the ball – Бола коптокни тепди

Феълларни семантик жиҳатдан группалаш ва бу муаммони ечимини топиш устида иш олиб бориш кўп тилшунос олимлар диққатини ўзига жалб қилиб келган.

Лекин текширувчилар бу мураккаб темага ёндошишларни ҳамда классификацияларида ягоналик йўқ. Масалан, Л.М.Васильев ўзининг «Семантические классы глаголов» номли докторлик диссертациясида феълларни семантик жиҳатдан тўртта катта гуруҳга ажратиб текширди чунончи

- I. Сезги ифодаловчи феъллар
- II. Фикрий фаолиятни ифодаловчи феъллар
- III. Нутқ феъллари
- IV. Хулқ атвор феъллари

Бу группалар ўз ичига яна кичик группаларга ажратилади. Л.М.Васильев ўзининг авторефератида бу бўлимларга 10 мингга яқин феълларни группалаштирганини қайд этади[1, 579-592].

Бу жиддий классификация мустаҳкам логик грамматик фундаментга эга бўлиб ҳамма тилларнинг феълларига мос келади.

Туркий тилларга феълларнинг семантик группаларини дастлаб

1. Аъламова Ҳ. «Нутқда акс этар бир олам бойлик» Тошкент 1990. 89 бет.

2. А.Содиқов. «Тилшуносликка кириш» Тошкент 1981. 148 бет.

3. Бўронов Ж. «Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси» 104 бет. Тошкент 1988.

А.К. Дмитриев белгилаб чиққан эди. У феълларни тўрт семантик группага ажратди:

1. нутқ феъллари
2. сезги ифодаловчи феъллар
3. фаолият феъллари
4. ҳаракат феъллари¹

Г.Қулиев ўзининг «Феъл бошқарув» мавзусида ёзган кандидатлик диссертациясида феълларни ўн хил семантик группага ажратди:

1. Иш фаолият феъллари
2. Сезги ифодаловчи феъллар
3. Нутқ феъллари
4. Кўриш феъллари
5. Тафаккур феъллари
6. Ҳаракат феъллари
7. Рухий ҳолат ифодаловчи феъллар
8. Товушга тақлидий сўзлардан ясалган феъл
9. Тақлидий сўзлардан ясалган феъллар
10. Табиат ҳодисаларни акс эттирган феъллар

¹ А.К.Дмитриев «Строй тюрских языков» Москва 1962. стр. 579-592.
Г.Кулиев. Глагольное управление тюркских языков. Баку 1968.Стр. 9-13.

1.2. ЎЗБЕК ТИЛИДА НУТҚ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Гапириш инсонга хос ҳаракатлардан бири. Гапиришни ҳаракат деб айтилишига сабаб:

- бу жараёни оғиз (тилнинг бўғиз)нинг товуш объектлари вужудга келтирди.

- гапириш фикр ифодалаш учун бажариладиган ифодалаш ҳаракатдир.

Масалан, у гапирди – демак, «у фикр ифодалади». Бу ҳаракат тилда нутқ феъллари (гапирмоқ, сўзламоқ, сўзламоқ, айтмоқ, демоқ) орқали тасвирланади.

Гапириш ҳаракати кўпинча кишининг руҳий психологик, экспрессив – эмоционал ҳолатлари, субъектнинг субъектга яъни тингловчига бўлган модал, алоқа муносабатлари билан боғлиқ бўлади. Шу туфайлидан бу ҳаракатни ифодалашда нутқ феълларини ўзига етарли бўлмайди.[1,3; 2, 74]

Гапириш пайтида инсонга хос манне ролларни умуман гапириш усулларини, ички руҳият, модал муносабатлари нутқда акс этилиши субъектнинг нутқий камчилигини ва шу кабиларни беришда тилда фонетик, морфологик, лексик воситалардан, лексик стилистик усуллардан фойдаланилади. Яъни ҳаракат хаарктерини очишда, кўпгина равиш ва равишдошлар, сўзнинг лексик вариантлари, синонимлари, фразеологимлар, стилистик тасвирий усуллар қўлланилади.

I. Лексик морфологик ҳодисалар

A) Равишлар. Нутқ феъллари олдидан равиш қўлланиб

1.К.Халиқов «Глаголы движения в современном узбекском литературном языке». Самарқанд 1967. 3 бет.

2.Содиқова М. «Феъл стилистикаси» Тошкент 1975, 74 бет.

келганда, гапириш ҳаракатининг характери, темпи, интенсивлиги қисқа ёки давомлилиги, сўзловчининг гапириш манераси ва шу кабилар аниқланади.

Масалан: «Ориф ўтирган жойидан унинг дарғазаб юзига қараб **юмшоқ гапирди**»

Бунда предметнинг сифат белгисига хос бўлган **юмшоқ** сўзи (равиш) кўчган маънода қўлланиб гапириш усулини белгиламоқда. Лекин бу ўринда **юмшоқ** равиши анча кенг маънода ва вазифасини ўз зиммасига олган[1, 75-76].

Юмшоқ гапирди дейилганда, биринчидан, гапириш жараёнида, овознинг пасайганлиги сўзларнинг танлаб қўлланганлигини англатилса, иккинчидан, сўзловчининг тингловчини авайлаб унга эҳтиёткорлик билан ёндошганлиги ва шу сингари нозик маъно оттенкалари англашилиб туради.

Б) Равишдошлар. Бу восита орқали ҳам гапириш ҳаракатнинг турли усуллари, субъектининг гапириш жараёнидан экспрессив эмоционал ҳолати модал муносабати ва шунга ўхшашлар аниқлаб берилади.

- «Ҳа, сан извошни қўш, – овозини **пасайтириб** деярлик **шивирлаб гапирди**. Лутфинисо... кейин **тўлқинланиб, завқланиб гапирди**».

- Оқ подшоҳнинг ғазнасидан чиққан ҳамма пул ҳудудда, стаканга конякни тўлдириб, **пихиллаб гапирди**.

«Пихиллаб» равишдоши гапириш ҳаракатини аниқлаб келганда, одатда, товушни хасталигини, бўғизлигини тушунилиши билан бирга гавданинг семизлиги, носоғломлиги, кексалик ҳолати

1. Содиқова М. «Феъл стилистикаси» Тошкент 1975, 75-76 бет.

каби қўшимча маъно оттенкалари ҳам англашилиб туради.

II. Фонетик вариантлар. Бидирламоқ – бижирламоқ. Бу икки феъл маъно ва функцияси жиҳатдан бир бирига яқин келади. «Бижирламоқ» варианты кўпинча болалар нутқига нисбатан эркалаб айтилади.

Тўнғилламоқ – дўнғилламоқ – қўнғилламоқ формалари фонетик вариант ҳосил қилади. Масалан, «пўнғилламоқ» феъли ҳам гапирувчи ҳам унинг нутқига нисбатан салбий муносабат, беписандлик нуқтаи назаридан қўлланилади. Бунда ҳам юқоридаги феъллар каби нутқнинг норавонлиги муносабатдаги қўполлик овоздаги дағаллик каби оттенкалар акс этади. Масалан:

«У Акмалга нўнғиллади: Мен, еб, сен қурук қолгандай нима қилиб турибсан бир четда?».

Бунда ёзувчи персонаждаги салбийликни янада бўрттириш учун нутқ текстини ҳам шунга мослаб танлаган.

Дўнғилламоқ феълида кўпроқ нутқий қўполлик в аовоз дағаллиги акс эттирилади[1, 75-76].

«У раста бўлган ўспирин товуш билан дўнғиллади».

Тўнғилламоқ феъли ўзининг маъно ва функцияси жиҳатидан **дўнғилламоқ** феълига деярли тенг келади. Масалан: «Аъзам тирноғини тозалаётган одамдай **бепарво тўнғиллади**: - Битимга қиламанми?» Бу мисолда ҳам нутқ тексти диққатга сазовор.

Ғўлдирамоқ (ғулдирамоқ) феъли бирор икки таъсир (ҳаяжонлаш, қўрқиш, тахликаланиш) ёки ташқи таъсир (бировдан уялиш, сирин босиш кабилар) натижасида талаффузидаги норавонликни, тушунарсиз, тугалликка эга бўлмаган нутқни ифодалашда қўлланади. Шунинг билан бирга бу феълнинг

1. Содиқова М. «Феъл стилистикаси» Тошкент 1975, 75-76 бет.

қўлланилишида ҳам нутқ ижрочисига бўлган экспрессив модал муносабатлар англашилиб туради.

Юқорида қайд этилган феъллар тақлидий харагерга эга бўлгани учун такрорий қўлланиш хусусияти ҳам бор: минғри – минғир қилди, бидир – бидир қилди, ғўнғир – ғўнғир қилди, ғўлдир – ғўлдир қилди каби [1,75-76].

III. Лексик – стилистик воситалар. А) Лексик синонимлар.

Гапирмоқ феъли ўзининг сўзламоқ, айтмоқ, демоқ (деб айтмоқ) каби лексик синонимларига (лексик вариантларига) эга (булардан – айт, сўзла феълларининг қўлланиши гапирмоқ феълига нисбатан кадимийроқдир). Сўзламоқ феъли қўлланиш жиҳатдан адабий нутққа хос қилиб қолганлиги туфайли гапирмоқ феъли билан стилистик фарқ ҳосил

қилган. Сўз ҳам кўпинча, жонли нутқда гап шаклида қўллангани каби гапирмоқ феъли жонли нутқда ҳам адабий тилда ҳам тенг қўлланаверади. **Сўзламоқ** феъли олдидан қўлланиб, ҳаракат услубини белгиловчи характерини очувчи айрим лексик, морфологик элементлар гапирмоқ феъли олдидан қўлланувчи худди шундай элементлардан деярли фарқ қилмайди. Масалан:

«Ичкаридан ғовур – ғувур ичида аллакимнинг **бийрон–бийрон сўзлаётгани** эшитилиб турарди».

Қандай тушлар кўрганини **лаби–лабига тегмай сўзлаб кетди.**

Айтмоқ, демоқ, деб айтмоқ феъллари жонли ва адабий нутқда бирдек иштирок этаверишга қарамай яна ўз стилистик хусусиятига, қўлланиши ўрнига эга. Масалан: айтмоқ феъли баён, информация бериш маънолари кучли ашула айтди мисолида

Содиқова М. «Феъл стилистикаси» Тошкент 1975, 75-76 бет

«айтди» феъли ўрнида юқорида келтирилган феъллардан бирортасини қўллаб бўлмайди [1, 81-83].

Шунга ўхшаш «Нутқ сўлади» бирикмасидан сўзлади. Феъллини бошқалар билан алмаштириб бўлмайди.

Деди, деб айтди феълларида эса умумий ижродан кўра яқунлаш, хулосалаш, изоҳлаш маънолари устун.

Б) Стилистик синонимлар. Шуниси диққатга сазоворки, ҳаракатни характерлашга хизмат қилувчи айрим воситалар (равиш, равишдошлар) ўзи **гапирмоқ, сўзламоқ** феълларига стилистик синонимлар бўлиб қўллана олади. Бундай ҳолатда ҳаракат манераси ёрдамчи элементларсиз ҳам тушунарли бўлаверади: **минғиллаб – гапирмоқ – минғилламоқ** сингари.

Салбий характерга эга бўлган стилистик вариантлар: **вайсамоқ, валдирамоқ, вақилламоқ** ва ҳоказо.

Ёзувчининг бирор шахсга унинг нутқига нисбатан бўлган салбий муносабати туфайли ёки беписандлик натижасида унинг нутқи, гап-сўзи шу тарзда характерланади. Масалан, «Кўп **валдирамасдан** лўнда қил гапни!»

«Кўзлари қисикқина қизча ўтириб олиб нималардир **деб жавраяпти...**»

«Дўконга келиб нони, тушган пулни санайди, пул баъзан кам келса керак, **жаврайди**».

- «Бас, **кўп вақиллама!** - деди Маҳдум қўл силтаб».

«У, Гулнорнинг «учига чиққан» такаббурлиги, ҳеч кимни назарга илмаслиги тўғрисида **вайсади**».

Болалар ёпишавергач, халтани очишга мажбур бўлдида, лабини буриб **вайсай** бошлади.

Акбаров С. «Ўзбек тилида қўшма феъллар» Тошкент 1966. 81-83 бет.

Вайсамоқ, жаврамоқ феъллари юқорида санаб ўтилган (салбий оттенкага эга). Маъно хусусиятларидан ташқари ўғит насиҳат қилмоқ, эътироз билдирмоқ, ўқдирмоқ, тайинламоқ, ваъзхонлик қилмоқ каби қатор маъно оттенкалари билан ҳам боғлиқ.

Келтирилган феълларда сўзловчининг гапириш манерасини белгиловчи маънолар йўқ. Унда керагидан ортиқ гапириш, эзмалик қилиш, айтиш мавзунини кўп такрорлар каби маъно оттенкалари акс этади.

Минғирламоқ, минғилламоқ, бидирламоқ, бидилламоқ, тўнғилламоқ, дўнғилламоқ, гўнғилламоқ ҳам шулар жумласидандир.

Масалан,

«Мирзакаримбой аста ўрнидан турди». «Ёрасулилло» деб **минғиллади.**[1, 44]

Минғилламоқ нутқ феълининг маъноси асосан салбий. Бунда яна нутқни ноқонкретлиги нозик оттенкалар ҳам акс этиб туради.

Бидирламоқ, бидилламоқ феъли асосан салбий муносабатда қўлланади.

Бунда кўпроқ тез гапириш, гапириб ташлаш, маҳмаданачилик қилиш, қоқвошлик сингари маъно оттенкалар англашилади.

Нутқ ва овоз маъносини акс эттирувчи феъллар: **пичирламоқ, шивирламоқ, шипшимоқ.**

Бундай нутқда овознинг жарангдорлиги паст бўлади.

Овозни пасайтириб гапириш ҳаракатига хос феъллар бўлгани каби овозни кўтариб гапиришга хос феъллар ҳам мавжуд: **шанғилламоқ, ушқирмоқ, бақирмоқ, бўқирмоқ** кабилар.

Мисоллар Ойбекнинг «Қутлуг қон», Саид Аҳмаднинг «Уфқ» асарларидан олинган. Тошкент, 2000.

Бу феъллар субъектнинг экспрессив эмоционал ҳолатларни, муомаладаги кўполликни ва сўзловчининг персонажга бўлган модел салбий муносабатини акс эттиради.

Масалан,

«Минг боши, жаҳли чиқиб, болаларга ушқирди: - Унингни учир, ҳаромилар»

- «Ишвошларинг мунақа юмшоқли-а?

- ўтирган замон **манғиллади** хотин».

Бақирмоқ, бўқирмоқ, шовқилламоқ, қичқирмоқ феъллари кўпинча **овоз+нутқни** ифодалайди[1, 68].

Қичқирмоқ, чинқирмоқ, чайилламоқ, ҳайқирмоқ каби феъллар **нутқ+овозни** ифодалаш билан бирга бола ёки баъзи ҳайвонларга нисбатан қўлланганда фақат овозни акс эттириш ҳам мумкин.

Жонли сўзлашувда **жавоб бермади, гапирмади** инкор феълларига «индамади» феъли синоним бўлиб келади. Бу феъл бўлимли формада деярли қўлланмайди:

Сиз ҳам борасизми десам индамади.

Нутқ процессини тасвирлашда турғун бирикмалар, фразеологизмлар, тасвирий усуллар ишлатилади.

Масалан, Самовар қайнаб турган эди, **битта чой дамланг** деган гап оғзимдан чиқиб кетибди.

Бу фрезологик ибора гапириш ҳаракатини унинг характерини ифодалаш билан бирга кутмаганда, ўйламасдан, билмасдан бирданига экспрессивлик маъноларини ва нутқий камчиликларни акс эттиради.

1. К.Холиқов. Глаголы движения в современном узбекском литературном языке. Самарқанд, 1967. Бет 68.

Демак, нутқ жараёнини, гапириш ҳаракатини вужудга келтирувчи объектлар **оғиз (тил+бўғиз)+ товуш [1, 81-83]**. Гапиришнинг турли усуллари, ҳаракат характери, субъектнинг гапириш манераси – лексик, грамматик фонетик воситалар, лексик стилистик усуллар билан берилади[2, 75].

-
1. Акбаров С. «Ўзбек тилида қўшма феъллар» Тошкент 1966. 81-83 бет.
 2. Содиқова М. «Феъл стилистикаси» Тошкент 1981. 75 бет.

1.3. ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ НУТҚ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Феъл ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи сўз туркумидир.
Феъллар структурасига кўра:

- 1) содда (Simple verbs)
- 2) ясама феъллар (Derivational verbs)
- 3) кўшма феъллар (Compound verbs) дан иборат¹.

Масалан,

Simple verbs (содда феъллар)

To come	to bring
To buy	to forget
To help	to find

Derivational verbs (ясама феъллар)

To outcry	to sweeten
To misunderstand	to upbringing
To equalize	

Compound verbs (кўшма феъллар)

To tongue-tie
To nickname
To whitewash
To broadcast [1]

¹ Ж.Бўронов ва бошқ. «Инглиз тили грамматикаси». Тошкент 1978, 108 бет.

Қуйидаги феъллар инглиз тилида нутқ феъллари саналади.

Қуйида нисбатан кўпроқ учрайдиган феъллар танланган.

- 1. to add – қўшимча қилмоқ**
- 2. to advise – маслаҳат бермоқ**
- 3. to answer – жавоб бермоқ**
- 4. to announce – эълон қилмоқ, маълум қилмоқ**
- 5. to ask – сўрамоқ**
- 6. to assure – кафолат бермоқ, ишонтирмоқ**
- 7. to beg – илтижо қилмоқ, ўтиниб сўрамоқ**
- 8. to call – бақирмоқ, қаттиқ гапирмоқ, чақирмоқ**
- 9. to chatter – валдирамоқ, алжирамоқ, вайсамоқ**
- 10. to cheer – қичқирмоқ, севинтирмоқ, хурсанд қилмоқ**
- 11. to contest – баҳслашмоқ, мунозаралашмоқ**
- 12. to criticize – танқид қилмоқ**
- 13. to cry – бақирмоқ**
- 14. to deplore – маъқул деб топмаслик**
- 15. to extraim – хитоб қилмоқ, ҳайқирмоқ**
- 16. to flatter – хушомад қилмоқ, лутф қилмоқ**
- 17. to fudge – уйдирмоқ, тўқимоқ, ёлғон гапирмоқ**
- 18. to hint – киноя қилмоқ**
- 19. to inform – хабар бермоқ, маълум қилмоқ**
- 20. to interrupt – халал бермоқ, аралашмоқ**
- 21. to joke – ҳазил қилмоқ**
- 22. to murmur – пичирламоқ, ғудурламоқ**
- 23. to mutter – минғирламоқ, тўнғирламоқ**
- 24. to narrate – хикоя қилиб бермоқ**
- 25. to notice – агоҳлантирмоқ, олдиндан айтмоқ**
- 26. to permit – изн бермоқ, рухсат бермоқ**

27. to plead – ўтиниб сўрамоқ, илтижо қилмоқ
28. to please – илтимос қилмоқ
29. to praise – тасанно ўқимоқ
30. to query – сўрамоқ, савол бермоқ
31. to question – савол бермоқ
32. to reject – тавсия қилмоқ, тайинлаб айтмоқ
33. to recommend – рад этмоқ
34. to repeat – такрорламоқ, қайтармоқ
35. to reply – жавоб бермоқ
36. to refuse – инкор қилмоқ
37. to remark - таъкидламоқ
38. to retell – айтиб бермоқ
39. to roar – ўқирмоқ, наъра тортмоқ
40. to salute – қутламоқ, табрикламоқ
41. to say – айтмоқ, демоқ
42. to sneere – тиржаймоқ, ишаймоқ, мийиғида кулмоқ
43. to shout – бақирмоқ, қичқирмоқ, қийқирмоқ
44. to speak – айтмоқ, гапирмоқ, сўзламоқ
45. to stammer - дудуқланмоқ
46. to talk – гаплашмоқ, суҳбатлашмоқ
47. to tell – айтиб бермоқ, буюрмоқ
48. to thank – ташаккур билдирмоқ
49. to utter – сўз айтмоқ, демоқ
50. to wish – тилак билдирмоқ
51. to whisper – шивирламоқ, пичирламоқ
52. to yell – додламоқ, айю ханнос солмоқ
53. to yell – чинқирмоқ

Юқорида санаб ўтилган феълларни лексик жиҳатдан классификация қилинганида, уларни салбий ва ижобий феълларга ажратиш мумкин.

Салбий феъллар деганда унинг таржимасида, қолаверса лексик маъносида салбий оттенка мавжудлиги тушунилади. Уларга қуйидаги феъллар мисол бўла олади.

to chatter – валдирамоқ, алжирамоқ

to deplore – маъқл деб топмаслик

to judge – уйдирмоқ, ёлғон гапирмоқ

to interrupt – ҳалал бермоқ

to reject – рад этмоқ

to refuse – инкор қилмоқ

to sneere – тиржаймоқ, ишаймоқ

to yell – додламоқ

to yell – пинқирмоқ

Ижобий оттенкали феъллар эса қуйидагилар.

to recommend – тавсия қилмоқ

to salute – қутламоқ, табрикламоқ

to thank – ташаккур билдирмоқ [1; 2]

To wish – тилак билдирмоқ ва бошқалар. Масалан, «The Gadfly» романи асосида олинган биргина мисолда буни кўришимиз мумкин.

«I know another thing you desire»

«What?»

«That?» She tossed a little cardboard box into his hand.

«B – burnt almonds! He cried reproachfully»

1.Чернов Гелий и др. «Словарь англо-русский» Москва 1982.
2.Исақов Улуғбек. Русча – ўзбекча луғат. Тошкент 1992.

Таржимада

- Мен биламан яна бир нимани хоҳлайсан.

- Нимани?

- Мана буни

У Сўнага кичик бир қутича узатди

- Қандил бодом! Нега папиросдан олдинг айтмадинг? – деди у,
ўпка қилиб.[1, 198]

Келтирилган парчада ёзувчи яъни Этиль лилиан Войнич «to сгу» феълидан фойдаланган.

«to сгу» аслан ўзбек тиилда «бақирмоқ, кичқирмоқ» сифатида таржима қилинади.

Лекин «The Gadfly» асарида келтирилган парчада «деди» сифатида таржима қилинганлигининг сабаби, тил нормасини сақлаш эди.

Чунки бу ерда «бақирмоқ» сифатида таржима қилинса, парчанинг маъноси ўзгарган бўлар эди.

Биринчидан, бу ерда Сўна яъни образ савол беряпти.

Иккинчидан, «бақирди» деб таржима қилинса ахлоқий нормаларга тўғри келмайди.

Учинчидан, «to сгу» нутқ феълидан сўнг «reproachfully» равиши келаяпти «reproachfully» сўзининг маъноси «ўпкаланиб» бўлиб, «ўпкаланиб бақирди» сўз бирикмаси парчада ёзувчи бермоқчи бўлган маънони кўрсата олмасди.

1. «The Gadfly» by E.L.Voynich page. 198. Москва 1964.

«Сўна» Э.Войнич 182 бет. Мирзакалон Исмоилий таржимаси. Тошкент 1956.

БОБ II
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА НУТҚ
ФЕЪЛЛАРИНИНГ ЛЕКСИК, ГРАММАТИК ВА ТИПОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ («THE GADFLY» РОМАНИ АСОСИДА)

2.1. ЭТИЛЬ ЛИЛИАН ВОЙНИЧ ИЖОДИ ВА «СЎНА»
РОМАНИНГ ЁЗИЛИШИ ТАРИХИДАН

Этиль Лилиан Войничнинг «сўна» («The Gadfly») романи миллионлаб китобхонларнинг севиб мутоала қиладиган асарларидан бири ҳисобланади.

«Сўна» асарида воқеалар ривожини 1833 йилда Италияда бошланади.

Асар қаҳрамонлари – Сўна, Жемма, Мартини – Ёш Италияликлар ташкилотининг аъзоси. «Сўна» асарида Италияда шу даврда бўлган тарихий ҳодисалар тасвирланса ҳам образлар ҳақиқий эмас, яъни мажозийдир. Фақат айрим тарихий шахслар – Мадзини, Орсини, Риенци ва бошқалар эслатиб ўтилади. Асардаги ёш қаҳрамон Артур Бертон бутун ҳаётини Италиянинг озодлигига бағишлайди. «Ёш Италияликлар»нинг шиори «Худони, халқни қолаверса асрлар озодолиги учун» бўлиб, Артур, табиийки, худога ишониб, у уларни қўллаб қувватлайди деб ишонади. Артурга энг яқин кишилардан бири, қувончи-ю шериги ва орзу умидларини бирга бўлишган руҳоний Карди воқеалар ривожини давомида қаллоб, ёлғончи ва сотқин эканлиги аён бўлади ва у ташкилот аъзоларини давлат органларига сотиб қўяди [1].

1. www.yahoo.com.ethyl/biography/com

Бундан ташқари, энг даҳшатлиси Артур учун «донишмандлар даҳоси» бўлган, севимли Монтанеллининг ҳам сотқинлиги билинади.

Артур бу воқеалардан сўнг динга бўлган меҳри сўнади. Лилиан Войнич буларни кўрсатар экан ўзини динга қанчалик қарши эканлигини очиқ ойдин кўрсатади. Войничнинг фикрича Сўна қатл қилинади лекин бу худи озодлик ҳукмидек тасвирланади.

Асарнинг ечимида Сўнанинг мангу тирик яшаши таъкидлаб ўтилади. Асар Монтанеллининг ўлиши билан тугайди.

Сўна энг кучли образлардан бири саналади. Шу сабабли ҳам у Монтанеллини, ўзининг отаси қаттиқ яхши кўради-ю лекин унинг ёлғонсиз яшамайди в абунга ҳам кўниколмайди.

Шунинг учун ҳам у Жеммани шунчалик қаттиқ яхши кўрадики, унинг тарсақисини кечиролмайди.

Унинг тарсақиси эмас балки у шубҳаланганлиги унга қаттиқ тегади.[1, 9]

Войнич мукамал образни яъни Сўнанинг қирраларини ҳар томонлама кенг очади. У ўткир зеҳнли, унинг заҳарли тили бераҳм ва шавқатсиз ва киноя шайдоси. Унинг ҳазиллари-ю, киноялари душманларини лол қолдирар эди. Душманлар ундан нафратланишса, либераллар ундан хафа, оддий халқ эса уни ардоқлашар эди. Ёзувчи унинг ҳаётга бўлган севгисини алоҳида кўрсатади. У табиатни – ҳайвонлар, дарахтлар ва гулларни яхши кўради. У болаларни жонидан ортиқ кўради.

Сўна ҳаётни муқаддас санаб уни ардоқлайди. Этил Лилиан Войнич Сўна худи ҳақиқий шахсдек тасвирлайди.

Е.Л.Voynich «The Gadfly» Бет 9. Moscow 1964.

Войнич уни етарлича кўп хатолари билан ички гўзаллигини кўрсата олади.

Энг асосийси шундаки, у мард, унда синмас жасорат, дўстларига содиқлик, халқига бўлган чексиз муҳаббат туйғуси кучли.

Войнич асари, қаҳрамонларининг тақдири ўлим билан тугаса ҳам уларнинг ҳаммасида инсониятга бўлган ишонч ва ғалаба умиди етакчилик қилади. Шунинг учун унинг асарлари мангуликка ҳукм этилган.

2.2. ИНГЛИЗ ТИЛИ СТРУКТУРАСИДАГИ НУТҚ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА БЕРИЛИШИ УСУЛЛАРИ.

Э.Лилян Войничнинг «The Garfly» асарида учраган нутқ феълларининг таржимаси қуйидагича.

№	Инглиз тилида	Ўзбек тилида
1267	to say	айтмоқ, демоқ
112	to answer	жавоб бермоқ
98	to whisper	шивирламоқ, пичирламоқ
87	to ask	сўрамоқ
53	to interrupt	халал бермоқ, аралашмоқ
32	to stammer	дудуқланмоқ
22	to add	қўшимча қилмоқ
20	to exclaim	хитоб қилмоқ, ҳайқирмоқ
18	to retort	ғазаб билан жавоб қайтармоқ
12	to remark	таъкидламоқ
10	to reply	жавоб бермоқ
9	to murmur	пичирламоқ, ғудурламоқ
9	to mutter	минғирламоқ, тўнғирламоқ
8	to sob	хўрсиниб йиғламоқ
4	to laugh	кулмоқ
4	to hint	киноя қилмоқ
3	to scream	қичқирмоқ (хулоса)
2	to conclude	хулоса қилмоқ
1	to moan	инграмоқ
1	to shout	бақирмоқ, қичқирмоқ, қийқирмоқ
1	to cry	бақирмоқ

to say – айтмоқ, демоқ, гап бошламоқ, гапирмоқ, сўрамоқ, гап бошламоқ, хатосини тузатмоқ, ҳол аҳвол сўрамоқ

to whisper – шивирламоқ, пичирламоқ, кўполгина буюрмоқ, демоқ

to interrupt – халал бермоқ, аралашмоқ, сўзинибўлмоқ, сўрамоқ, гапга аралашмоқ

to answer – жавоб бермоқ, жавоб қайтармоқ, фикрига кўшилмоқ, демоқ

to ask – сўрамоқ, гапирмоқ

to remark – таъкидламоқ, айтмоқ, демоқ

to sob – хўрсиниб йиғламоқ, дағ-дағ титраб йиғламоқ, пиқ-пиқ йиғламоқ

to moan – инграмоқ

to retort - ғазаб билан жавоб қайтармоқ, эътироз билдирмоқ

to hint – киноя қилмоқ, заҳарли қилиб айтмоқ

Келинг, Этиль Лилиан Войнич асари «Сўна»да учраган нутқ феълларини лексик-грамматик жиҳатдан таҳлил қилайлик.

«to say» - айтмоқ, демоқ

1. «The began to read Dante's» «De Monarchia» and soon became so absorbed that when the door opened and shut he didn't hear. He was aroused from his preoccupation by Montanelli's voice behind him.

«I did expect you today», **said** the Padre glancing at the title of the book. («The Gadfly» 47 p.)

У Дантенинг «De Manorchia» номли китобини ўқий бошлади ва ҳадемай шундай берилиб кетдики, эшикни очилганини ҳам сезмай қолди. У орқасидан таниш овозни эшитиб ўрнидан турди.

Монтанелли китоб сарлавҳасига кўз қирини ташлаб:

- Бугун сени кутмаган эдим! – деди

Юқорида келтирилган парчада «Said» сўзи ўз маъносида таржима қилган. Лекин эътиборизни қуйидаги мисолга қаратмоқчиман.

2. «May it please Your Eminence», **said** the sergeant in a lowered voice and with evident nervousness, «the colonel thinks that this prisoner is dangerous and that it would be better - « («The Gadfly» 251 p.)

«A sudden flash came into Montanelli's eyes»

- Ҳазратимнинг жаҳллари чиқмасин, деб гап бошлади, - полковник маҳбусни жуда хавфли киши деб ҳисоблайди, шунинг учун....

Монтанеллининг кўзлари чақнаб кетди.

3. «I want to ask you another question. If you don't choose to answer it, you needn't, of course; but if you don't choose to answer it, you needn't, answer honestly. Are you in love with her?»

The Gadfly deliberately knocked the ash from his cigar and went on smoking in silence....

He laid down his cigar and looked steadily at Martini. «Yes, he said at last, slowly and softly». «I'm in love with her» («The Gadfly» 230 p.)

- Сизга яна битта савол бермоқчиман. Хоҳласангиз албатта, жавоб бермаслигингиз мумкин, лекин жавоб берадиган бўлсангиз, тўғри жавоб берсангиз. Жиммани севасизми?

Сўна сигарасининг кулини авайлаб қоқди, кейин индамасдан яна чека бошлади.

.....- Ҳа бундоқ денг! – Сўна сигарасини бир ёққа, Мартининг кўзларига тикилди. Кейин шошилмасдан, юмшоқ товуш билан **гапирди**: - Ҳа севаман.

4. «Zita!» The Gadfly rose and took the guitar from hand «What it is?»

She only sobbed convulsively, hiding her face it both hands. He touched her on the arm.

«Tell me what the matter is» he said caressingly («The Gadfly» 200 p.)

- Зитта! – Сўна туриб бориб, Зитанинг кўлидан гитарани олди.
– Нима бўлди?

У юзини кўллари билан тўсиб олиб, дағ-дағ титраб йиғларди. Сўна елкасидан ушлади. Кейин меҳрибонлик билан:

- Нима бўлди, айтсанг-чи? – деб сўради.

5. «After a long silence, she said slowly:

«I want to ask you a question»

«Yes?» whihout mouing («The Gadfly» 177 p.)

Узоқ жимликдан сўнг Жемма секие гапирди:

- Сиздан сўрамоқчи эдим...

- Нимани? – деди у, қимирламасданок»

6. They walked on a little way whihout speaking «My dear, Martini said at last;» it there were any way on earth to undo a thing that is once done, it would ва worth while to broad over our old mistakes; («The Gadfly» 138 p.)

Бир неча минут гапирилмасдан бордилар.

- Азизам Жемма, - деб Мартини ниҳоят гап бошлади, - бир қилиб қўйилган нарсани ер юзидан ўзгартириш имкони бўлса, эди, эски хатолар устида бош қотирилса арзиз эди.

7. «Arthur sumed embarrassed by the question

- It – it was n-not a r-regular meeting». He said with a nervous little stammer».

Артур унғайсизланди. – У уни мажлис деб ҳам бўлмайди», асабий бир ҳолатда дудуқланиб хатосини тузатди.

Юқорида келтирилган барча мисолларда «to say» феъли турли хил таржималарда келган. Албатта бу нутқ феълининг ҳар қилиниши, бу уларни келган жойлари ва шу ҳолат ёзувчининг мақсадига боғлиқдир.

Биринчи мисолда берилган таржимага эътиборимизни қаратсак, бу ҳолатда «to say» феъли ўз маъносида яъни «демоқ» сифатида таржима қилинган. Буюк нотиклардан бири айтганидек «Ҳар бир нарса ўз чегарасида бўлса, шунда унинг мақсади-ю, гўзаллиги яққол намоён бўлади». Шу сўзлар таржима санъатига ҳам боғлиқдир.

Иккинчи мисолда эса бу нутқ феълининг «гап бошлади» сифатида таржима қилинганлигини кузатамиз, бунинг сабаби образни яъни аскарни Монтанелли ёнида ўзини уғайсиз ҳис қилганлигини кўрсатиш ва бу ҳолатдан чиқиш ҳамда ўзини оқлаш учун аллақандай сўзларни ғудурлаганини билдириш эди. Бу ҳолатда «деди» сифатида таржима қилинса ёзувчи ўз олдида кўйилган мақсадга эришмаган бўлар эди.

Учинчи мисолда «гапирди» деб таржима қилинганлигининг сабаби «to say» нутқ феъли равиш билан боғлиқ бўлиб келган шунинг учун «шошилмасдан, юмшоқ товуш билан гапирди» сифатида таржим қилинапти. Агар бу ерда «айтди» сифатида таржима қилинган бўлар эди, гапнинг мантикий маъноси ўзгарган бўлар эди.

Тўртинчи мисолда, Сўна Зитадан нималар содир бўлаётганини сўраяпти. Бу ерда таржимон «деди» сифатида таржима қилиниши мумкин эди, лекин бу мисолда яхшироқ эътибор берсак бу ерда сўқ оҳанги истак оҳангидан кўра кучлироқ.

Бешинчи мисолда «to say» феъли учрамаса ҳам таржимон «деди» деб қўшимча қилган. Чунки ўз холича яъни, «қимирламасданок» деб таржима қилганида парча маъноси йитган бўлар эди.

Олтинчи мисолда «деди» деб таржима қилинмаслигининг сабаби, парчадан билиниб турибдики, улар анча сукут сақлаб келганлар, шунинг учун «гап бошлади» деб таржима қилинчса мантиқий нормаларга тўғри келган бўлар эди.

Еттинчи мисолда, «to say»жумласидан йироқ сўзлар берилган, яъни «хатосини тузатди» деб. Чунки «деди» деб таржима қилинча, «Сўна нега бир саволга икки хил жавоб бераяпти?» деган савол ўқувчига туғилган бўлар эди ва натижада тушунмовчилик бўлиб, автор ва китобхон ўртасидаги контакт узилган бўлар эди.

БОБ III
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА НУТҚ
ФЕЪЛЛАРИНИНГ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. ЭТИЛЬ ЛИЛИАН ВОЙНИЧ АСАРЛАРИ «СЎНА»
ВА «THE GADFLY» ДА УЧРАЙДИГАН НУТҚ ФЕЪЛЛАРИНИ
ЛЕКСИК-ГРАММАТИК ЖИҲАТДАН ТАҲЛИЛИ

Келинг Этиль Лилиан Войнич асари «Сўна» ва «The Gadfly» да учраган нутқ феълларини лексик-грамматик жиҳатдан таҳлилни кўриб чиқайлик.

«To whisper» - шивирламоқ, пичирламоқ

1. When he raised his head the sun had set, and the red glow was dying in the west. They had forgotten time and place, and life and death; they had forgotten, even, that they were enemies.

«Arthur», Montanelli **whispered**, «are you real? Have you come back to me from the dead?» («The Gadfly» 286 p.)

Монтанелли калласини кўтарганда, кун аллақачон ботган ва ғарбдаги сўнгги қизил шафақлари ҳам сўнган эди. Ота билан ўғил вақт в ажойни, ҳаётни ва ўлимни унутган эдилар; ҳатто бир-бирларига душман бўлганликларини ҳам унутмадилар.

- Артур, - **деб шивирлади**. Монтанелли – чиндан ҳам ўзингмисан: Менинг олдимга қайтиб келдингми? Ўликлар орасидан тирилиб келдингми («Сўна» бет 278).

2. «Hold your noise», the sailor **whispered**, «and keeps your head covered! We're close to the custom house». («The Gadfly» 94 p.)

Матрос кўприкча олдига тўхтади. Матрос: «Қайиққа ирғиб тушингда, остига ётиб олинг» деб Артурга **кўполгина буюрди**.

3. After some time the sailor come back triumphant, with a bundle under his arm.

«Change», he whispered; «and make haste about it. I must get back and that old Jew has kept me bargaining and haggling for half an hour». («The Gadfly» 92 p.)

Бироздан кейин матрос қайтиб келди. Авзои тантанали эди. Қўлтиғида тугунча.

- Кийимларингизни ўзгартиринг, - деб пичирлади – тезроқ бўлинг! Кемага етиб боришим керак. («Сўна» бет 72).

4. «Tell me first what has upset you so. Has anything been frightening you?»

She silently shook her head.

«Have I done anything to hurt you?»

«No» She put a hand up against his throat.

«What, then?»

«You will get killed» she **whispered** at last. («The Gadfly» 200 p.)

- Аввало менга айт, нима бўлди, нега қўрқиб кетдинг?

Зита бошини секин чайқади.

-Сенга озор етказдимми, Зитта?

- Йўқ, - Зитта қўлини бўғзига келтирди.

- Айт ахир, нима гап?

- Сени ўлдиришмади, - **деди** ахири Зитта.

«to whisper» нутқ феълининг ўзбек тилидаги таржимаси «шивирламоқ, пичирламоқ» бўлиб, ўз ичидан маълумки, ёзувчи бу феъллардан фойдаланганда нутқнинг айтаётган фикрини қай тарзда айтаётганини билдиради. Келтирилган 4 та парчада бу нутқ феълининг ўзбек тилида қандай таржимада келиши ҳоллари мисоллар орқали равшан кўринилади ва ўрганилади.

Биринчи мисолда «to whisper» ўз маъноси яъни «шивирлади» таржимасида келаяпти. Чунки бу ерда шундай сокин ҳолат тасвирланаяптики, «to say» ёхуд «to ask» феъллари ишлатилганида бу сукунатни бузган бўлар эди. Шунинг учун ҳам таржимон буни ўз ҳолича таржима қилган.

Иккинчи мисолда ҳам «to whisper» феъли ишлатилган, лекин бу ерда унда кўпроқ салбий оттенка мавжудлиги парчадан билиниб турибди. Аммо савол туғилиши мумкин «Нега энди Э.Л.Войнич айнан «to whisper» феълени ишлатган, «to order» ёки бошқа нутқ феълларини эмас.

Сабаб шундаки, китобхон мутоала жараёнида Сўна ноқонуний кемада қочиб кетаётганлигини тушунади, улар матрос билан чегарага яқин келганларида матрос унга буйруқ оҳангида лекин пичирлаб яширинишни айтади.

Таржимон ҳамда ёзувчи сўз ортиқчалигидан қочиб бири «to whisper» феълени ишлатган бўлса, иккинчиси «қўполгина буюрди» сўз бирикмасидан фойдаланган.

Учинчи мисолда, «to whisper» нутқ феъли «пичирламоқ» сифатида таржима қилинган. Бу феъл «шивирламоқ» сўзи билан бир хил бўлиб туюлсада, аслида «пичирламоқ», «шивирламоқ» феълдан кўра пастрок оҳангида айтилади.

Тўртинчи мисолда, «to whisper» деди сифатида таржима қилинишининг сабаби «Сени ўлдирмади» деган сўзни биз ҳеч қачон эшиттирилар эшитилмас сифатида айтолмаймиз. Чунки бу биз учун ўта муҳим. Агар бу ерда «шивирлади» ёки «пичирлади» деб таржима қилинса бу гапнинг қиймати пасайган бўлар эди.

To interrupt – аралашмоқ, халал бермоқ

1. «Let us have not. That would be a bad memory to carry about with you. I have done some hard fighting in my time, and have

sent m-more than one man to Hades, puhaps; but if I had it on my conscience that I had sent any living thing to houth America, I should sleep badly»

- «Then do you believe», she **interrupted**, coming nearer to him with clasped hands. («The Gadfly» 185 p.)

- Бундай бўлмаган деб умид қиламиз. Бир вақтлар мен озмунча ж-жанг қилган эмасман, ҳам анча мунча одамларни эҳтимол, аспаласопилинга ҳам ж-жўнатгандирман, лекин бирон тирик жонни Жанубий Америкага ж-жўнатганлигим аламли юригмда бўлса, уйқум ҳаром бўларди, ҳа ишонаверинг.

Жемма юрагининг ховлиқишини босиш учун қўлларини қисди.

- Демак, агар у чўкмаган бўлса, - Жемма унинг ёнига келиб, **сўзини бўлди**.

2. «My dear sir, I am as much grieved as you are that didn't succeed in preventing the extradition of Renzi. But really – I do not wish to hurt the sensibilities of anyone but I cannot help thinking that...» («The Gadfly» 100 p.).

«As every Piedmontese always does» the dark man **inferrupted sharply**.

- Ренцининг тутиб берилишига монеълик қилолмаганимиз учун мен ҳам сизлар сингари хафаман, синьор: гапнинг хунук томонига ўтмоқчи эмасман, шундай бўлса ҳам, ўйламасликка иложим йўқ.

- Пьемонтиларнинг ҳаммаси шунақа: ҳеч нимага ботинишломайди, - деди қора соч киши **сўзини чўрт бўлиб**.

3. «I shall be late at the hospital; but it can't be helped. The Junior will have to begin without me jor once. I wish I had known gall these before – it ought not have been let go on that way night after night».

«But why on earth didn't he send to say he way ill?»

Martini **interrupted** («The Gadfly» 160 p.).

- Касалхонага кечикдим на чора. Бирон марта менсиз бошласа бошлапти-да ёрдамчим.

Афсуски илгарироқ менга маълум қилишмапти: ўзини шунча вақт ёлғиз қолдириш керак эмас эди.

- Касал экан, нимага айттирмайди **деб сўради** Мартини.

4. «But what about the Cardinal? Would he consent to things of that kind?»

«He has no jurisdiction in military affairs».

No, but he has great influence; surely the Governor would not venture on such a step without his consent?

«He'll never get that» Marcione **interrupted**.

- Хўш крадинал нима қилиб ўтирипти бу ерда? Қонундан ташқари ҳаракатга розилик берармикан?

- Ҳарбий ишга аралашолмайди, ҳаққи йўқ.

- Аммо обрўйи жуда баланда. Полковник ундан розилик олмай туриб ҳарбий дудга бермайди; ҳайиқади албатта.

- Розиликни икки дунёда ҳам ололмайди-ку-я, - деди Марконе **гапга аралашиб**. («The Gadfly» 246 p.).

«to interrupt» нутқ феъли салбий оттенкали нутқ феъли саналиб, у аралашмоқ, ҳалал бермоқ маъноларини англатиб келади.

Биринчи келтирилган парчада бу феъл сўзини бўлди деб таржима қилинган. Чунки ҳақиқатдан ҳам Сўна сўзлаётганида Жемма келиб уни сўзини бўлади.

Иккинчи мисолда эса «to interrupt» феълидан сўнг «sharp» равиши боғланиб келаяпти. Бу эса салбийлик оҳангини янада ортирилишига сабаб бўлаяпти, шунинг учун «сўзини чўрт бўлди»

деб таржима қилинган. Бунинг иккинчи сабаби шундаки нутқ бўлиб ўтган ҳодисадан жуда ҳам норози эканлигини билдиришдир.

Учинчи мисолда «interrupted» феълнинг «деб сўради» деб таржима қилинишининг сабаби Мартини ҳеч кимни сўзини бўлмаган, бундан ташқари Мартини риторик савол бераяпти. Э.Л.Войничнинг нега бошқа нутқ феъллари эмас, айнан шундан фойдаланишининг сабаби норозилик оҳангини янада юқорида кўтариш эди.

Тўртинчи мисолда эса «гапни кесди ёки бўлди» эмас балки «гапга аралашди» сифатида таржима гапига қарши чиқмаяпти, балки уларнинг фикрини давом этаётганлидир.

To answer – жавоб бермоқ, жавоб қайтармоқ

1. Zita threw away her cigarette.

«You are jooling», she said. «You are going into some danger or other».

«I'm going s-s-straight into the inf-fernal region he **answered** languidly». («The Gadfly» 199 p.).

Зитта папиросни ирғитиб ташлади.

- Мени алдаяпсан ҳозир, - деди Зитта. Жонинг хаатрга турибди.

- Тўғри жаҳаннамга жўнайман, - деб **жавоб қилди** у, танбаллик билан.

2. «I believe», said Galli «The perfection freedom of life in a barbarous country world attract me more than any scenery. A man must feel his personel, humon lighity as he can never feel it in our crowded towns».

«Yes» the Gadfly answered; «that is – « («The Gadfly» 169 p.).

- Мени ваҳший мамлакатдаги табиат гўзаллиги эмас, ҳаётнинг тўла эканлиги кўпроқ жалб этади, - деди Галли. – У ерда инсон

Ўзининг шахс эканлигини чинаккам сезиши, ўз инсоний кадр-кийматини мутлақо ҳис этиши мумкин, - бизнинг одам юрагини қон қилиб юборадиган шаҳарларимиздақа эмас...

- Тўғри, - деди Сўна, унинг фикрига қўшилиб. – Лекин...

3. «This is all mystification to you, isn't it? You can't understand – luckily for you. What I mean is that I have a pretty fair chance of going mad if I try to live quite alone – Don't think too hardly of me, if you can help it; I am not altogether the vicious brute you perhaps imagine me to be».

«I cannot try to judge for you», she answered.

- Бу нарсалар сизга хаёл бўлиб туйилади, шундай эмасми? Менинг қанақа одамлигимга ҳеч тушунмаяпсиз-а? Тушунолмаганингиз ўзингиз учун яхши лекин шунга айтмоқчиманки, мабодо якка туриб кўрсам, ҳойнаҳой жинни бўлиб қолардим. Мени унча ерга урманг, мен сизга эҳтимол, жуда қўпол ҳайвонга ўхшаб кўринарман, ҳақиқатда у қадар эмасман.

- Мен сизни ерга уролмайман, - деди Жемма. («The Gadfly» 180 p.).

4. «Dear Cesare, I can't keep clear of him; and I can't explain to you why. We are tied together – not by any wish or doing of our own».

«If you are tied, there is nothing more to say», Martini answered wearily. («The Gadfly» 194 p.).

Азизим Сезаре, ундан узоқда туролмайман нега бундайлигини айтиб беролмайман ҳам. Биз бир-биримиз билан боғланганмиз, бу боғ бизнинг майлимиз билан бўлган эмас, шунинг учун уни узиб юбориш ҳам бизнинг ихтиёримизда эмас.

- Боғингиз шунчалик маҳкам бўлса, бунга қарши бир нима дейишимнинг ҳожати йўқ экан, - деди Мартини хорғин товушда.

- Таржима олами шунчалик сир-саноатларга бой-ки, унинг ичига қанчалик тушиб борсангиз шунчалик ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Бу мисли тубсиз океандек. Қанча чуқур борсангиз шунчалик кўп нарсани билмаслигимизни тушунамиз.

«to answer» нутқ феъли билан берилган биринчи мисолда «жавоб қилмоқ» сифатида келиб унга равиш боғланиб келаяпти «Languidly (slowly)» равиши Сўнанинг қандай аҳволда эканлигини кўрсатади.

Иккинчи мисолда «фикрига қўшилди» деб таржима қилинган. Бунинг сабаби Галлининг айтаётган фикрига Сўна қўшилади шунинг учун «жавоб берди» деб эмас балки унинг фикрига қўшилганлиги сабабли «фикрига қўшилди» деб таржима қилинган.

Учинчи ва тўртинчи мисолларда «to answer» нутқ феъли, «демоқ» сифатида таржима қилинган.

Таъкидлаб ўаннимиздек, сўз ўйинлар шунчалик ҳам хилма-хил бўладики, эътибор бериб қарасак «демоқ» деган таржимани турли хил нутқ феъллари бера олади. «to whisper» «to say» «to reply» ва бошқа феъллар. Уларнинг ҳаммасининг таржимаси бир хил сўз билан берилса-да, лекин уларнинг ўрни турлича. Масалан, «to whisper» сўзининг ўда «to answer» сўзи ҳеч қачон ишлатиб бўлмайди, таржимаси бир хил бўлса-да.

Юқорида келтирилган икки мисол савол берилаётган бўлса-да, лекин нутқ иккинчи кишининг фикрига бўлган муносабатини билдириш учун унга жавоб берапти. Лекин ўзбек тилида уларни «демоқ» сифатида таржима қилинганлиги тўғрироқ «жавоб бермоқ» сўздан кўра.

To ask – савол бермоқ, сўрамоқ

1. «Would you like to see the variety show?» She started at him in astonishment. What had he got into his head about variety shows?

«Have you ever seen one?» he **asked** before she had time to speak. («The Gadfly» 151 p.).

- Циркни томоша қиласизми: - деб **сўраб қолди**.

Жемма ҳайронликдан кўзларини катта очди.

- Шунақа томошаларни ҳеч кўрганмисиз? – деб **сўради у**. жемма жавоб беришга улгурмасдан.

2. «Would you mind telling me,» she **asked hesitating**, «how you came to be stranded out there alone at twenty?»

Very simply: I had a good opening in life at home in the old country, and ran away from it.

- Мумкин бўлса, - деб Жемма **ботинқирамай гапирди**, - айтиб берсангиз: йигирма ёшингизда шундай узоқ жойга қандай бориб қолдингиз:

2. The other voice, a man's was remarkably soft and musical; but its sweetness of tone was marred by a peculiar, purring drawl, perhaps mere affection, more probably the result of a habitual effort to conquer some impediment of speech but in any case very unpleasant.

«English, did you say?» it asked. («The Gadfly» 116 p.).

Бошқа овоз ниҳоятда мулойим, музыка каби ёқимли эркак товуши келди; лекин сўзларни аллақандай чўзиб айтиши овоздаги чиройли оҳангни бузар, унга ёқимсиз тус берарди.

Эҳтимол, жўрттага берилган бир рангдир лекин тўғрироғи, тилида бир камчилик борди-ру, шунини яшириш учун ана шундай қилиб гапираётгандир.

Англиз дедингизми? – деб сўради у овоз.

Инглиз тилида энг кўп учрайдиган феъллардан бири бўлган «to ask» феъли савол бермоқ, сўрамоқ маъносида келади. Биринчи келтирилган мисолда «сўради» деб таржима қилинган. Иккинчи

мисолда эмса, «ботинмай гапирди» деб таржима қилинган. Бундай олиб қарасак бу таржима феълнинг таржимасидан жуда йироқ.

Лекин биз асосий нарсага эътиборимизни қаратишимиз керак. Бу ҳам бўлса контекст яъни келтирилган парча.

Иккинчи парчада Жемма бу саволни истамай истаб савол беради, буни таржимон кўрсатиш мақсадида «ботинолмай гапирди» иборасини ишлатади. Китобхон бундан Жемманинг қанчалик одобли ва дилозор шахс эканлигини кўрсатади.

Дилозорлиги шундаки, Жемма сўзларни танлаб гапиришдан билинади.

Учинчи мисолда яна «сўрамоқ» «ўтинмоқ» таржисамида келади агар ундан сўнг «for» предлоги қўлланилса.

Предлогларни ўрни инглиз тилида шунчалик катта-ки улар сўз маъносини ўзгартира олади.

Масалан, to ask somebody to something – таклиф қилмоқ бўлса, to ask after somebody бўлса соғлигини, аҳволини сўрамоқ маъноларини билдиради.

To remark – таъкидламоқ

1. As her eyes happened to catch the movement of the right hand dropping the petals, one by one, an uncomfortable sensation came over Gemma, as though she had somewhere seen that geshere before.

«As a literary composition,» he **remarked** in his soft, cold voice... («The Gadfly» 127 p.).

Жемманинг кўзлари тўқисдан унинг бармоқларига тушди. Уни қандайдир ғалати ҳаяжонли бир ҳис қамраб олди: шу хил гул юлиш қилиғини у илгарилари қаердадир кўргандай бўлиб кетди.

- Адабий асар сифатида, - деди у, ўзининг юмшоқ товуши билан лекин совуққина қилиб...

2. «So it's the Gadfly,» thought Gemma, looking at him with some curiosity.

«You have found a d-d-delightful little nook here,» he **remarked** looking at the thick screen; and w-w-what a charming view!

«Сўна шу одам экан-да! »деб ўйлади Жемма, унга мароқ билан караб

- «Топган гўшангиз жуда ажойиб» - **деди** у.

3. «As every Piedmontese always does». The dark man interrupted sharply. «I don't know where the vehemence and impatience lay, unless you found them in the strings of meek petitions we sent in. That may be vehemence for Tuscany or Piedmont, but we shouldn't call it particularly vehement in Waples».

- Fortunately, **remarked** the Piedmontese, «Neapolitan vehemence is peculiar to Naples» («The Gadfly» 109 p.).

- Пьемонтлиларнинг ҳаммаси шунақа: ҳеч нимага ботинолмайдилар – деди қора соч киши, унинг сўзини чўрт бўлиб – Билмадим, чидамсизлик, тезлик деб нимани айтаяпсиз, минг эҳтиёж билан ўзимиз ёзиб юборган ўша бир неча петицияни айтаётганингиз йўқми: Тоскан билан Пьемонтда бу тезлик деб аталса ажаб эмас, лекин Неапольда биз шундай демаймиз.

- Хайриятки, неаполлиларга фақат Неапольдагина ҳаракат қисмига тўғри келади, - **деди** пьемонтли.

Юқорида келтирилган мисолларга эътиборлик билан қарасак «to remark» феъли «деди» сўзи билан берилган. Лекин учинчи мисолда «деди» сифатида эмас балки таъкидлади сифатида таржима қилишса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Чунки бу ерда Пьемонтли таъкидлаб ўтаяпти ўз фикрларини, агар у оддий қилиб айтганида эди унда «деди» феълени ишлатсак бўлар эди. Лекин бу ҳолатда «деди» нутқ феъли тўғри келмаяпти.

Бунинг иккинчи сабаби, китобхон мутолао жараёнида образларнинг ҳолатлари кўз олдига тасвирлана бошланади. Бу ҳолатда образлар бир-бирларига қарши фикрлар билдириб, ҳар ким ўз фикрини олға сурмоқда. Шунинг учун ҳар бир шахс бундай ҳолатда ўз фикрини таъкидлайди, оддийгина айтиб қўймайди.

«to remark» феъли тўғри феъл саналиб, учта ҳолатда ҳам ўтган замонда келиб «ed» қўшимчасини қабул қилган. Иккинчи мисолда «to remark» феълидан сўнг «gerund» яъни герундий келган.

Аммо бир нарсани ҳисобга олишимиз керак-ки, «to remark» феъли «демоқ» сифатида таржима қилинса ҳали изоҳ, шарҳлашмоқ, таъкидламоқ маъноларини билдириб келаяпти.

Салбий маъноли феъллар ҳақида юқорида фикр юритилган, шу фикрни давом эттириб, уларга «Сўна» («The Gadfly») асарида учраган мисоллар билан таъриф беришни жоиз деб топдик.

To sob – хўрсиниб йиғламоқ.

«Ah, no matter! More was lost –»

She broke down with a sob and hid her face among the ivy leaves.

«Zita!» The Gadfly rose and took the guitar from her hand.

«»What is it?

She only **sobbed** convulsively, hiding her face in both hands. He touched her on the arm.

«»Tell me what the matter is! He said carresingly. «Let me alone!» she **sobbed**, shrinking away. «Let me alone!» («The Gadfly» 200 p.).

- «О, барибир – бундан ҳам кўпроқ нарсалар йўқотилган эди...»

- Зитта ашуласини шу ерда узди, пиқ-пиқ йиғлади, юзини яшил чирмовга ўради.

- Зитта! – Сўна туриб бориб, Зиаттанинг қўлидан гитарани олди – Нима бўлди?

У юзини қўллари билан тўсиб олиб, **дағ-дағ титраб йиғларди**. Сўна елкасидан ушлади. Кейин меҳрибонлик билан:

- Нима бўлди, айтсанг-чи? – деб сўради.

- Тегма – деди Зитта, **пиқ-пиқ йиғлаб туриб**. Кейин ўзини ундан тортди.

- Тегма менга!

Келтирилган парчада «to sob» нутқ феъли икки хил таржима қилинапти яъни «дағ-дағ титраб йиғларди» ва «пиқ-пиқ йиғлади». Шундай бўлса-да буларнинг маъноси деярли бир хил фақат «дағ-дағ йиғлади» сўзида оҳанг кучлироқ. Бу феълнинг салбий маъноли феъли дейишимизнинг сабаби, «to sob» нутқ феъли образни ўзини ёмон ҳис қилаётганини ҳамда бу ҳолат унга ёмон таъсир қилаётганини кўрсатади. Инглиз тилида «to cry out» («йиғламоқ») феъли ҳам мавжуд ёхуд бошқа «йиғламоқ» маъносини билдирувчи феъллар кўп учрайди лекин «to sob» феъли ҳаммасидан ҳам кучлироқ саналади. Биринчи «to sob» феъли «convulsively» (титраб) равишига боғланиб келган бўлса, иккинчисидан сўнг герундий – *shrinking away* – ўзини олиб қочиш ишлатилган. Икки ҳолатда ҳам бцлар образ ҳолатини кўрсатишга хизмат қиляпти.

To moon – инграмоқ, инқилламоқ.

«The found the Gadfly lying still, with closed eyes and parted lips. He stood silent for a moment; then stopped down and asked»:

«Can I do anything for you sir? I have only a minute».

The Gadfly opened his eyes. «Let me alone!» he moaked. «Let me alone – » («The Gadfly» 270 p.).

Сўна кўзларини юмиб, оғзини хиёл очиб, қимир этмасдан ётган эди. Солдат бир минутгина тепасида индамай турди, кейин энгашиб сўради:

- Менга иш-мишингиз йўқми, тақсир? Тезроқ бўлинг, бир минутгина вақтим қолди холос.

Махбус кўзларини очди.

- Қўйинг мени, ўз ҳолимга қўйинг – деб ингради у.

Одатда салбий маъноли феъллар ўз ҳолича салбий бўлганлиги сабабли бу феълларни таржимада ўзгартиришмайди.

Келтирилган парчада «тооп» феъли ўз маъносида яъни «инграмоқ» таржимасида келаяпти ва образнинг ҳолатини аниқ кўрсатиб бераяпти. Китобхон асарни ўқиш жараёнида Сўна қандай ҳолатда эканини шу феъл орқали билиб to retort – ғазаб билан жавоб қайтармоқ. «That is true, of course. It's time to start Cesare. Yes, I'll wear the roses. Wait just a minute».

She ran upstairs and came back with the roses in the bosom of her dress and a long scart g black Spanish lace thrown over her head. Martini surveyed her with artistic approval.

«You look like a Queen, Madonna mia; like the great and wise Queen of Sheba».

«What an unkind speech!» she retorted, laughing.

«When you know how hard I have been trying to mould myself into the image of the typical society lady!» («The Gadfly» 115 p.).

- Тўғри... Энди борайлик, Чезаре вақт бўлди. Пича туриб кутинг, фақат гул тақиб чиқаман.

- Жемма юқорига ғизиллаб чиқиб кетди-да бир нафасдан кейин кўкрагида гул, бошида қора испан тўридан қилинган узун шарф билан қайтиб тушди. Мартини уни кўзи билан сузиб чиқди.

- Маликанинг ўзи – улуғ ва доно малика Савскаянинг ўзгинаси бўлибсиз, - деди.

- Бунақа ўхшатишларингиз билан мени сираям суюнтирмайсизда, - деб Жемма кулиб туриб эътироз қилди. – Оддий аёлга ўхшаш учун қанчалик жон куйдирганлигимни кошкийди билсангиз!

Юқорида келтирилган парчада «to retort» нутқ феълидан фойдаланилган.

3.2. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ НУТҚ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бу нутқ феълини лексик жиҳатдан таҳлил қилсак у салбий маъноли феълларга киради. Лекин бу ерда у «laughing» яъни «кулиб» герундийси билан боғланиб келган бўлса-да, бу феълнинг маъносини юмшайтирмай балки аксинча янада салбий маъносини ошираяпти.

Кўриниб турибдики, Жемма Мартинининг қилган такаллуфидан норози бўлиши билан бирга унинг кўнглига оғир ботмоқчи эмас.

Шу сабабли, у кулиб ўз эътирозини билдираяпти.

Агар шу ерда «launhing» герундийси бўлмаганида эди, унда у «эътироз» билдирди эмас» балки «ғазаб билан жавоб берди» деб таржима қилинган бўлар эди: to hint – киноя қилмоқ.

The colonel carelessly handed him a paper headed: Pritocol and signed: «Giovanni Bolla»

The blood rushed into Arthur's face. Bolla had betrayed him! Bolla, who had taken upon himself the solemn duties of an initator – Bolla, who had converted Gemma – who was in love with her! He laid down the paper and stared at the floor.

«I hope that little document has refreshed your memory?» «**Hinted** the colonal politely». («The Gadfly» 71 p.).

Полковник сарлавҳасига «Протокол» деб ёзилиб, остига «Жиовани Болла» имзоси чекилган бир қоғозни Артурга парвосизгина узатди.

Артур ўқий бошлади, офицерлар эса унинг юзида кўринган ўзгаришларни жимгина кузатиб ўтирдилар, охирида, «Бизга кўшилганлар орасида Январмадаги бадавлат кема эгалари оиласидан чиққан Артур Бертон номли ёш инглиз ҳам бор эди» деб ёзилганди.

Артурнинг юзига қон урди.

Бола унга хиёнат қилибди. Раҳбарлик каби муқаддас бир вазифани ўз зиммасига олган Бола-я?

Жемманинг севган ва уни ташкилотга олиб кирган Болла-я! Артур қоғозни қўйи, ерга қараб қолди.

- Бу кичкина ҳужжат миянглик берар деган умиддаман – деди полковник **заҳарли қилиб**.

Бу мисолда «to hint» феъли заҳарли қилиб «айтмоқ» маъносида келган. Умуман олиб қараганда киноя қилмоқ билан заҳарли қилиб айтмоқ феъллари деярли бир хил. Фақат «заҳарли қилиб айтди» сўз ибораси «киноя қилмоқ» сўз бирикмасидан кўра кучлироқ.

Тилшунослик дунёсини бир уммон деб таъриф берсак, унга канча чуқур борганинг сари, шунчалик унинг гўзаллиги-ю, жилосидан кўнглинг баҳра олади киши. Шуларга мисол сифатида:

Инглиз тилида шундай феъллар мавжудки, улар ҳаракат феъллари бўлса ҳам нутқ феъли вазифасида келади.

Масалан, қуйидаги феъллар «Сўна» асарида учраган бўлиб, улар қатнашган мисолларни таҳлил қиламиз.

1. to begin - бошламоқ

Montanelli rested his arm on the table and pondered silently. The Gadfly didn't disturb him. He was leaning back with half shut eyes, lazily enjoying the delicious physical sensation of relief from the chains.

«Supposing» Montanelli **began** again, «that you were to succeed in escaping; what should you do with your life?» («The Gadfly» 253 p.).

Монтанелли столга қўли билан суяниб ўйланиб қолди. Сўна халал бермади: курси орқасига суянди, кўзларини ёрим-ёрти юмди ва кишандан озод вужудининг билан маст бўлиб ўтирди.

- Фараз қилайлик – деб Монтанелли **тагин сўз бошлади**, - сиз қочиб ҳам кетдингиз.

2. to put – қўймоқ

A) «Listen to me» - the Cardinal said, sitting down again beside him with a very grave face. «How ever you found out all this, it's quite true».

Colonel Ferrari jeers another rescue attempt on the part of you friends and wishes to forestall it in – the way you speak of. You see, I'm quite frank with you.

- «Your Eminence was always f-f-famous for truthfulness» the Gadfly **put in** bitterly. («The Gadfly» 282 p.).

Менга қаранг, - деди – бу нарсаларни қандай билган бўлсангиз билгандирсиз, лекин билганларингиз тўғри. Полковник Феррари дўстларингиз сизни яна қутқозишга урнаб кўришади деган ваҳимага тушиб буни олдини – сиз айтган йўл билан олмоқчи. Мана, сиз билан очиқчасига гаплашяпман.

- Ҳазратим ҳамиша ҳақиқатпарварликлари б-б-билан д-донг чиқариб келганлар, - деб Сўна алам тўла бир товуш билан **гап қистиради**.

B) «It was very clever, of course; but I don't see what good all this play acting business had done to anybody».

«Just this much» the Gadfly put in; «that I can go where I like and do what I like anywhere in this disfrick, and not a single man, woman or child will ever think of suspecting me». («The Gadfly» 210 p.).

- Сизку усталик билан бажаргансиз – деди лекин бу томондан кимга қанақа наф чиқишини тўғриси айтсам билмай турибман.

- Мана бунақа наф чиқади – деб жавоб қилди Сўна: - энди мен бутун округда гашт қилиб юравераман иннанкейин нима хохласам шуни қиламан битта ҳам тирик жонни бошига мени қанақа одам экан деган шубҳа келмайди.

3. to break – синдирмоқ

«Cesare, you and I have been friends for all these years, and I've never fold you what really happened about Arthur».

«I know all about it already». («The Gadfly» 135 p.).

- Чезаре сиз билан узоқ вақтдан бери дўстмизу, лекин Артур воқеасини шу маҳалгача мукамалроқ қилиб айтиб берганим йўқ сизга.

- Айтиб берманг ҳам, азизим – дея Мартини шошиб уни тўхтади.

4. To cut – кесмоқ

«The project is a perfectly mad one», Grassini exclaimed. «It is simply pretting one's head into the lion's mouth out of sheer wantonness».

«Oh, you needn't be afraid! Galli cut in sharply we shouldn't ask you to go to prison for our pamrhlets» («The Gadfly» 103 p.).

Бориб турган девоналик бу! – деб юборди Грассини – Бу нимаю – ботирман деб каллани шер озгина тутитб бериш нима.

- Э, сизнинг юрагингиз чиқмасин! – деди Галли унинг сўзини чўрт кесиб. – Бизнинг гуноҳимиз учун турмага бориб ўтиринг деяётан киши йўқ сизга.

Демак, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инглиз тилидаги хатто ҳаракат феъллари ҳам гапда нутқ феъли вазифасида келиши мумкин.

Биз таҳлил жараёнида шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, бу нутқ феъллари вазифасида келувчи феъллар доимо предлоглар билан учрапти.

Иккинчидан, бу феъллар ҳар доим ҳам нутқ феъли вазифасида келмайди балки қачонки бунга ёзувчи катта эҳтиёж сезса булар нутқ феъллари вазифасида келиши мумкин.

Биз бу мисоллар орқали феълларнинг қанчалик жозибадор ва ранг-баранг хислатларга эга эканлигини билиб олдик.

Хоҳ истасангиз ўқитувчими ёки буюк нотикми, бу билимларни эгалламай туриб даҳолик даражасига кўтаролмайди.

Бу феълларнинг хислатларини ўрганиш учун эса албатта икки тилдаги адабиётларни қиёслаб ўқиш керак.

Мен магистрлик диссертациясиимни қиёсий грамматика билан бошладим ва яна айланиб келиб шу соҳа билан тугатаман.

Бу қилинган иш қиёсий грамматиканинг қанчалик муҳим фан эканлиги ва унинг ўрни тил соҳасида қанчалик буюк ва бебаҳо эканлигининг яна бир оддий исботи бўлиб қолмоқда.

ХУЛОСА

Юқорида кўриб ўтилганидек, инглиз ва ўзбек тилларида нутқ феъллар илк маротаба Этель лилиан Войничнинг «Сўна» асаридан келтирилган мисоллар асосида кўриб чиқилиб таҳлили қилинди. Таҳлил жараёнида нутқ феълларининг лексик, грамматик ва типологик хусусиятларига эътибор берилди. Бу магистрлик илмий ишда қуйидаги режалар асосида ўрганилди.

1. «Нутқ феъллари тарихидан» пунктида нутқ феъллари устида илмий ишлар олиб борган олимлар ва зиёлилар ишларидан намуналар келтирилди ва бу мавзу неча асрлардан бери ўрганилиб келаётганлиги аниқланди.

2. «Ингли тилида нутқ феъллари» пунктида инглиз адабий тилида кўп учрайдиган нутқ феъллари берилиб, улар лексик жиҳатдан классификация қилинди.

3. «The Gadfly» асарининг автори Этель Лилиан Войнич ижоди ва шу асар тарихи ва туб моҳияти ҳақида мулоҳазалар юритиб, бу асарнинг қиймати қанчалик юқори эканлигина яна бир маротаба амин бўлдик.

4. Ўзбек тилида ёритилган нутқ феъллари инглиз тилида қандай берилиши мисоллар асосида кейинги режалар бўйича ўрганилиб борилди. Бу режада нафақат инглиз тилидаги нутқ феъллари классификацияси балки ўзбек тилларидаги нутқ феъллари асарлардан олинган мисоллар ёрдамида ўрганилди ва ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришдик. Кейинги режа бўйича инглиз тилидаги нутқ феъллари топилиб, улар алфавит тарзида берилди сўнг эса магистрлик диссертациясиимизнинг энг олий мақсади бўлмиш Э.Л.Войничнинг «Сўна» («the Gadfly») асарида нутқ феъллари берилиб улар лексик ва грамматик жиҳатдан таҳлил

қилинди. Шу феъллар асосида мисоллар берилиб, уларнинг турли хил вазиятларда турлича таржималарда келиниши аниқланиб хулосалар чиқарилди. Ҳар бир нутқ феълнинг таржимаси берилиб, у лексик, грамматик ва қиёсий типологик жиҳатдан таҳлил қилинди.

5. Кейинги қисмда эса нутқ феъли вазифасида келувчи феъллар билан мисоллар берилиб улар таҳлил қилинди.

6. Хулоса сифатида шунни айтиш жоиз-ки, тилшуносликнинг юраги бўлмиш грамматика мисли уммон бўлиб, уни қанчалик кўп ўрганса киши, шунчалик унинг гўзаллигидан, инжиқлигидан завқ олиши билан бирга шунчалик кам билимга эга эканлигини тушуниб боради.

7. Албатта бу гўзаллик мангу яшамоғи учун адабий асарлар яратиш керак, яратилганларни эса асраб авайлашимиз ва ўрганишимиз керак. Этиль Лилиан Войнич бизга нафақат бир тарихий ҳодисани аксини кўрсатди балки инглиз тилининг қанчалик бой эканлигини ўз асари «Сўна» мисолида биз китобхонларга кўрсата олди.

8. Бу асардан олинган мисолларда яна шунни хулоса қилиш мумкинки, демак инглиз тилида ҳатто ҳаракат феъллари нутқ феъли вазифасида келади.

9. Демак, нотиклик санъатими-у, ёҳуд ўқитувчилик бўлсин грамматикани яхши ўрганмасдан даҳолик даражасига кўтарила олмайди.

10. Шу касб эгаси нафақат ўз она тилини балки инглиз тилини мукамал билиши шарт.

11. Биз ишни бошлашдан олдин ўз олдимизга мақсадлар қўйгандик ва ҳозир бу мақсадга эриша олдик.

12. Умид қиламанки, бу маълумотлар мактаб қўлланмалари ёхуд олий ўқув юртлири қўлланмаларини ўқийдиган ўрганувчиларга ёрдам беради. Келажакда бу ишни давом эттирувчиларга катта ёрдам бўлади деб умид қиламан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Чирикба. «Аспекты фонологической типологии» Баку. 1864.
2. Ж.Б.Бўронов «Инглиз ва ўбек тилларининг қиёсий грамматикаси». Тошкент. 1973.
3. О.Азизов «Тилшуносликка кириш». Тошкент. 1986.
4. Т.Венсон, Н.Наккетт, Н.Гросби «Languag, Form and Idea» New York. 1964.
5. Ҳ.Неъматов, Р.Расулов «Ўзбек тили система лексикологияси асослари». Тошкент 1896.
6. У.Ҳошимов «Инглиз тили грамматикасининг норматив курси». Тошкент. 1896.
7. А.Содиқов «Тилшуносликка кириш» Тошкент. 1981.
8. Ж.Б.Бўронов, М.Бўронова, М.Тошбоева «Инглиз тили грамматикаси». Тошкент. 1978.
9. Х.Аъламова «Нутқда аск этар бир олам бойлик». Тошкент. 1990.
10. М.Содиқова «Феъл стилистикаси». Тошкент. 1975.
11. А.К.Дмитриев «Строй тюркских языков». Москва 1962.
12. Г.Қулиев «Глаголы управления в тюркских языках». Баку. 1968.
13. К.Халиқов «Глаголы движения в современном узбекском литературном языке». Самарқанд. 1967.
14. С.Акбаров «ўзбек тилида қўшма феъллар». Тошкент. 1966.
15. Ойбек «Қутлуғ қон» Тошкент. 1998.
16. Саид Аҳмад «Уфқ» Тошкент. 2000.
17. Чернов Гелий и др. «Словарь» (англо-русский) Москва 1982.
18. Улуғбек Исақов «Луғат» (русча – ўзбекча) Тошкент. 1992.

19. E.L.Voynich «The Gadfly» Moscow 1964.
20. Мирзакалон исмоилий таржимаси «Сўна». Тошкент. 1956.
21. www.yahoo.com
22. www.yahoo.com.ethyl/biography/com
23. Интернет: www.referat.ru
24. Интернет: www.google.com

Summary

This dissertation paper deals with the speech verbs in the system of non-related English and Uzbek languages.

РЕЗЮМЕ

В этой диссертационной работе рассматриваются выпадения глаголы речи в системе разносистемных т.е. в английском и в узбекском языках.